



БҮЮК АЛЛОМАЛАРГА ҚАНОТ БҮЛГАН ЗАМИН

Манзура Холбаева

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи
катта илмий ходими*

“Бизнинг хавас қиласа арзийдиган буюк тарихимиз бор. Хавас қиласа арзийдиган улуг ажододларимиз бор. Хавас қиласа арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, хавас қиласа арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз хам албатта бўлади.”

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев*

Наманган – кўплаб буюк алломаларга қанот бўлган замин. Бу кўхна юртда Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварлар туғилиб ижод қилган.

Шу жумладан Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат маърифатпарвар шоир, забардаст тилшунос, тарихшунос олим, илк ўзбек матбаатчиларидан бўлиб, 1862 йилда Наманган яқинидаги Тўракўргон қишлоғида туғилган. Унинг отаси соҳибкор боғонлардан бўлиб, «Ходим» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Онаси Ҳурибиби қишлоқ қизларини ўқитган. Ибрат дастлаб қишлоқ мактабида, сўнгра онаси қўлида таҳсил олди. Кейинроқ Қўқонга бориб мадрасага ўқишига киради.

Исҳоқхон Ибрат 1886 йилда мадрасани тугатиб, Тўракўргонга қайтиб келади. У ўз фаолиятини педагог сифатида қишлоқда маърифат тарқатиш билан бошлади. Ўша йили эски маҳаллий мактаблардан анча фарқ қилувчи янгича мактаб очади.

Исҳоқхон Ибрат 1887 йилда ҳаж сафарига отланади. Сўнг у Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатни давом эттиради. Европанинг Истамбул, София, Афина, Рим каби марказий шаҳарларида бўлди, анча вақт Жидда шаҳрида истиқомат қилади, Бомбей ва Калкуттада яшайди. Исҳоқхон у ерларда кўп ишлатиладиган араб, форс, ҳинд-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганди. У 1896 йилда Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Қашқарга ўтди, Қашқардан ўз ватани Наманганга қайтиб келди.



1901 йилда араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган "Луғати сittа-алсина" («Олти тилли луғат») асарини босмадан чиқаради. Мазкур лугат жадид мактабларида шарқ ва рус тилларини ўрганишда бирдан бир кўлланма сифатида фойдаланиб келинди.

1907 йилда Тўрақўрғонда янги усул мактабини очган, 1908 йилда ўз қишлоғида «Матбааи Исҳоқия» номли литография ташкил қилган. Исҳоқхон Ибрат янги мактаблар очиш, ўқитувчилар тайёрлаш, аёлларни илм-маърифатли қилиш ишларида фаол қатнашган. 1909 йилда ўзининг «Тарихи чопхона», «Маданият ҳақида маснавий», «Газета хусусида», «Қалам» маҳаллий ва чор амалдорлари кирдикорларини фош этган «Илми Ибрат», шеърий тўпламлари нашр қилинган.

Исҳоқхон Ибрат 1912 йилда ёзувлар тарихига бағишлиланган, асарида лотин, юнон, хитой, ҳинд, араб, кирилл ёзувининг келиб чиқиши, ривожланиш тарихи ҳақида маълумот берилган "Жомеъ ул-хутут" ("Ёзувлар мажмуаси") асарини яратди ва ўз матбааси "Матбаайи исҳоқия"да босмадан чиқарди.

Ибрат чин қалдан ўз халқининг илмли, маърифатли бўлишини истади. Кейинги 20-йил ичида 14 та илмий-тарихий, лингвистик асар ёзди. 30 йиллик поетик ижодининг мажмуи бўлмиш "Девони Ибрат" шеърлар тўпламини тузди. Тарихшуносликка оид "Тарихи Фарғона", "Тарихи маданият" ва "Мезон уз-замон" илмий асарларини яратди.

Исҳоқхон Ибрат «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газета ларига ёзган мақолаларида фан, маърифат ва маданиятни тарғиб этган.

Ибратнинг сўнгти йиллардаги ҳаёти анча таҳликали ўтди. 1935 йилдан у ҳамма лавозимлардан олиб ташланди. 1937 йилнинг апрел ойида 75 ёшли кекса шоир ва маърифатпарварни ҳибсга оладилар.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 14-ўрта мактаб ва Тошкентдаги бир кўчага Исҳоқхон Ибрат номи берилган.

Сермаҳсул шоир, ёзувчи, мусиқашунос, педагог Исҳоқхон Ибрат қатогон қурбони бўлди.

У 1937 йил Андижон турмасида 2 ой ётгандан сўнг вафот этди. Унинг қабри қаердалиги номаълум. Адид ўз асарларида ҳалқ озодлиги, Ватан мустақиллиги учун курашганларни ва тарихий воқеаларни акс эттирди. Масалан: «Тарихи Фарғона» асарида шундай ёзади: «Хўжанд ва Ўратепа ва Жиззах қўлдан кетди. Русия забт этди. Минг икки юз саксон бешинчи



хижрийда (1866) Самарқанд олинди. Андан Каттақўргон олинди. Сўнгра ўртада амир ила мусолаҳа бўлуб, ислоҳот жорий бўлди... ».

XIX асрда Тўрақўргон заминида туғилиб ўсган Ибрат домла араб, форс, рус, ҳинд, урду, инглиз, франсуз тилларини яхши билган, деди Президентимиз. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, Шарқ ва Европа илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган, юртимизга илғор маданият ва техника янгиликларини олиб киришга интилган.

Ибрат домла ўлкамиздаги илк матбаачилардан бири сифатида, 1908-йил Оренбург шаҳридан литографик машина сотиб олиб, уни Оренбургдан Кўқонгача поездда, Кўқондан Тўрақўргонга туюларга ортиб, катта машиқватлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида “Исҳоқия босмахонаси”ни ташкил қилган. Бу маърифатпарвар инсон кўплаб илмий, педагогик ҳамда бадиий асарлар яратган, ўз қишлоғида янги мактаб ва кутубхона очган, аҳоли учун замонавий боғ барпо қилган, ҳозиргача ғоят ноёб ҳисобланадиган олти тилли лугат яратиб, ўз босмахонасида чоп эттирган. Унинг “Фаргона тарихи” деган машхур асари мамлакатимиз тарихига оид нодир манбалардан биридир.

Президентимиз ташаббуслари билан Тўрақўргонда Исҳоқхон Ибратга бағишлиланган сўлим боғ, ёдгорлик мажмуаси ва “Ибрат мактаби” ташкил этилган.

Боғ одамларнинг мазмунли ҳордик чиқаришига қулайлик яратиш билан маънавий оламини ҳам бойитади. Бу ерда маърифатпарвар бобомизнинг ҳайкали ўрнатилади. Музей Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти, серқирра фаолияти билан таништиради. “Ибрат мактаби”да ёшлар хорижий тилларни ўрганади. Буларнинг барчаси яхлит комплекс сифатида алломанинг халқимиз учун қилган буюк хизматларини қадрлаш, меросини ўқиб-ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим ўрин тутади.

Луғ аждодимиз Ибрат тахаллусини ўзига бежиз танламаган, деди Президентимиз. Унинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафакат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, маданиятимизнинг кўзга қўринган намояндалари, ўзининг ёрқин истеъдоди, билим ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан жамиятимизнинг маънавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини тараннум этишни ўз



ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган аждодларимиз тарихини домий ўрганиб бориш хар биримизнинг асосий бурчларимиздан хисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи: Т., 2000.
2. Исмоилова Ж. Фаргона водийсида миллий озодлик курашлари. Т.,
3. История Узбекистана. – Т.: Фан, 2012.
4. Сагдулаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Т., 2004.
5. Сагдулаев ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., 2000.
6. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: Ўзбекистон миллий бойликлари Лойиха раҳбари, масъул муҳаррир: Д.А.Алимова. – Т.: Шарқ, 2001
7. Темур ва Улугбек даври тарихи Т.1996 й
8. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Т.1996 й
9. Абдурахмонов А. Улугбек ва унинг расадхонаси. Т.1996 й
10. Ахмедов Б. Улугбек. Т.1994 й
11. Ибодов Ж. Матвиевская. Улугбек шогирди-Али Кушчи. Т. 1994 й.
12. роли. Т. 1993
13. Файзиев Т. темурий маликалар. Т. 1994 й.
14. Усмонов О. К. Бехзод ва унинг наккошлиқ мактаби. Т. 1997 й.
15. Каюмов А. Алишер Навоий. Т. 1991 й.